

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 125 (11.436)

Баҳоси эркин нарҳда



**«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир».**

## ИСТИҚЛОЛНИНГ БОШ МАЙДОНИ



**2200**  
2009  
**ТОШКЕНТ**  
Йиллар ўтар, замонлар кечар, лекин тарих, барибир, айтар сўзини айтади: Ўзбекистон ҳаётининг энг эркин нуқтаси унинг ўз мустақиллигини қўлга киритган кун бўлиб қолаверади.



Қадим Тошкент қоқ марказидаги асосий майдоннинг истиқлолнинг йўрғаидаёқ айнан Мустақиллик номи билан аталгани ҳам бежиз эмас.

Мана, йигирма икки асрдирки, Тошкент ижтимоий-сиёсий ҳаёт, савдо, илм-фан ва маданиятнинг чинакам марказларидан бири бўлиб келяпти. Чунки шаҳар деган юксак номга эга бўлиш ўтган асрларда ҳам аҳоли яшайдиган ҳар қандай маконга берилмаган — аниқ.

Тарихда Тошкент бир неча марта беқлик маркази, муҳим ижтимоий-сиёсий ҳалқа вазифини ўтагани ҳам биламиз. Чор ҳукумати Туркистон генерал-губернаторлигини ҳам айнан шу шаҳардан туриб бошқаргани бежиз эмас. Кейин, албатта, у ярим мустамлака шаклидаги Ўзбекистоннинг пойтахти ҳам бўлди.

Бироқ шу нарса мутлақ ҳақиқатки, истиқлолнинг уни мустақил бир давлатнинг чинакам пойтахти мақомига кўтарди. Ахир, мустақиллик ҳақидаги илк тарихий сўз ҳам худди шу шаҳарда расман эълон қилинди. Айнан мустақиллик йилларида пойтахтимиз Шарқ дарвозасига айланди. Бугун халқро ҳаётни, дунё ҳамжамиятида кечаётган қизгин жараёнларни Тошкентнинг иштирокисиз тасаввур қилишнинг асло имкони йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган асосий тантаналарни ўтказиш тўғрисида" шу йил 10 июндаги Қарорида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш санасига бағишланган тантанали мажлис ва концерт дастурини 2009 йил 1 сентябрь кунини "Ўзбекистон" халқро анжуманлар саройида, оммавий тадбирлар ва халқ сайилларини эса 2 сентябрь кунини пойтахт майдонларида ўтказиш белгилангани ҳам бежиз эмас.

Чунки мустақиллик ва Тошкент — бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунчалар.

Шу кунларда пойтахтимизнинг марказида жойлашган "Ўзбекистон" халқро анжуманлар саройи қурилишини ниҳоясига етказиш учун бунёдкорлар кун, соат эмас, дақиқа, лаҳза санаб меҳнат қиляпти.

Энг муҳими, бу истиқлол йилларида пойтахтда бунёд этилган ягона иншоот эмас.

Истиқлол ҳақида ўйлар эканмиз, истаимиз-

ми-йўқми, халқимиз уч минг йилга тенг давлатчилик тарихидан жами 860 йилни мустамлакада яшаганини эслаймиз. Бу миллий давлатчилик тарихининг қарийб учдан бирини ташкил этади, ахир. Бу она юрт 200 йил — аҳмонийлар, 180 йил Искандар Мақдуний, 200 йил — араблар, 150 йил — мўғуллар, 130 йил — чоризм истилосини бошдан кечирди...

Ўтган 18 йил мобайнида пойтахтимиз чинакамига гуллаб-яшнади, жаҳоннинг энг муҳим халқларидан бирига, сиёсат, илм-фан, маданият, туризм, савдо ва саноат марказига айланди.

Ҳар йили истиқлол байрамнинг асосий тантаналари пойтахтимизда ўтказилади. Мана, яқинда, яъни 19 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида ҳам энг катта байрам тантанасини Тошкент шаҳрида ўтказиш кўзда тутилган.

Пойтахтимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини янада ободон шаҳар сифатида кутиб олаётир.

2006 йилнинг 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида"ги махсус Қарори қабул қилинди. Чунки истиқлол йилларида Мустақиллик майдонининг умумманзараси тубдан ўзгартирилди. Бу ердаги эски маъмурий бино ўрнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноси қад ростлади ва 2005 йил январидан иш бошлади. Мустақиллик монументи пойга чақалоғини бағрига босиб турган Бахтиёр она ҳайкали ўрнатилди. Парадларга мўлжалланган асфальтлар олиб ташланиб, қишин-ёзин ям-яшил майсазору боғ барпо этилди. Майдонга кираверишда Мустақиллик аркаси қурилди ва ҳоказо.

Ҳар бир юртнинг халқ бошига кўтарадиган муқаддас гўшалари бўлади. Бу жиҳатдан Ўзбекистонимиз жаҳондаги бошқа мамлакатлардан тамоман ажралиб туради. Чунки бизда не-не улуг қадамжолар, қанчадан-қанча муқаддас маконлар бор.

Аммо ҳар бир давлатнинг бош майдони, энг улуг, энг азиз гўшаси ҳам бўлади.

Мустақиллик майдони — Ўзбекистонимизнинг ана шундай бир мўтабар парчаси.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов шундай дейди: "Мустақиллик майдони ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўтабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истагимиз, тилагимиз шуки, бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намён этсин".

Кейинги йилларда муҳтарам Ортбошимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида бу майдон таниб бўлмас даражада қайта чирой очди, янги мазмун ва моҳият билан бойиди, атрофида не-не гўзал, улугвор, замонавий бинолар қад ростлади, борлари эса шу руҳ ва ғояга мос равишда қайта таъмирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида"ги махсус Қарорига қўра, Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини муҳасам этган янги монументга Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берилди. Бу монументга гулчамбар қўйиш расмий маросими жорий этилди, бу маросим қоидалари белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий давлатлар раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, чет эл делегациялари вакиллари ва бошқа расмий меҳмонларнинг давлат протоколига киритилган ҳолатларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гулчамбар қўйиш маросими тартиби тасдиқланди.

Мустақиллик майдони бугун яхлит бир мажмуага айланди. Унинг таркибига Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира хиёбони, Эзгулик аркаси, Сенат биноси, Вазирлар Маҳкамаси биноси, маъмурий бино қиради. Шароф Рашидов кўчасининг нариги юзида Тасвирий санъат галереяси, Бизнес маркази, Молия вазирлигининг фазначилиги биноси бу хиёбон кўрғига қўрқ, савлатига савлат қўшади. Майдоннинг шимолдан ўтган Навоий кўчасида эса "Туркистон" саройи қад ростлаб турибди.

(Давоми 2-бетда).

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар бир неча қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

● Урганч шаҳрида жисмоний имкониятлари чекланган болаларнинг иқтидорларини намён этиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиб келинаётган «Мафтунок ранглар жилоси» ижодий-баддий кўрик-танловининг Хоразм вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани марказида «Жалолқудуқ савдо-ишлаб чиқариш корхонаси» масъулияти чекланган жамияти томонидан қолипчи нон тайёрлаш бўйича янги ишлаб чиқариш цехи очилди. Янги цехнинг фаолият бошлаши муносабати билан 20 киши иш ўринларига эга бўлди.

● «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси Хоразм воҳаси аҳлининг эҳтиёжини эътиборга олиб, «Тошкент-Урганч» йўловчи поездининг ҳафтасига тўрт марта Хоразмга қатнашини йўлга қўйди.

● Фарғонада йўловчиларни ташиш ишларини яхшилаш мақсадида «Фарғона Авто-Трансхизмат» масъулияти чекланган жамияти томонидан «Исузу» автобуслари қатнайди. Янги автобуслар вилоят марказини Қўқон ва Қувасой шаҳарлари, шунингдек, Риштон, Олтиариқ, Фарғона, Ёзёвон, Охунбобоев ва Тошлоқ туманлари билан боғлайдиган йўналишлар бўйича қатнайди.

● Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Чинобод шаҳарчаси «Балиқчи» маҳалласида маҳаллий тадбиркор Бахтиёр Мўйдинов ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши остида қад ростлаган Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди. Янги марказдан Интернет-клуб, кутубхона, сартарошхона, мини-маркет ва тикув цехи ўрин олган. Тез орада тикув ишига қасаначилик асосида маҳалладаги қўллаб аёллар ҳам жалб этилади.

● Ҳукумат топшириғига биноан, кеча Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизмати томонидан мамлакатимизнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда наркотик моддалар савдосига қарши кураш давомида мусодара қилинган гивандлик воситаларини йўқ қилишга бағишланган тадбир ўтказилди.

### ЖАҲОНДА

● Кеча Россия давлати раҳбари илк бор Нигерияга ташриф буюрди. Ташриф чоғида қўллаб соҳаларда ҳамкорлик юзасидан битимлар имзоланди.

● Ингушетия президенти Юнус-Бек Евкуровга суиқасд уюштирилиши ва у оғир аҳволда Москвадаги шифохонада даволанаётганлиги муносабати билан мамлакат Бош вазири Рашид Гайсанов зиммасига республикани бошқариш ваколати топширилди.

● Эрондаги Президент сайловларида мағлубиятга учраган, Ислоҳ инқилоби кўриқчилари корпусининг собиқ қўмондонини Мохсен Ризаи овоз бериш натижаларига нисбатан ўзининг даъволаридан воз кечди. У мамлакатда мураккаб сиёсий ва ижтимоий вазият юзага келиб, унинг ҳал этилиши сайловлардан қўра муҳимроқ эканлигидан келиб чиққан ҳолда Маҳмуд Аҳмадинажотнинг янги муддатга қайта сайланганлигига норозилик билдирмаслигини расман эълон қилди.

● 2009 йил январида Сомалида президентликка сайланган Шариф Аҳмад бутун мамлакат бўйлаб фавқулодда ҳолат эълон қилди. Президент Могадишога ўтказилган брифингда бу қарор жиноятчилик ва зўравонлик тўсатдан авж олгани ва бутун мамлакатга ёйилгани учун қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Энди мажкур қарорни мамлакат парламенти тасдиқлаши лозим.

● Шимоллий Корея давлати раҳбари Ким Чен Ир ўзининг кичик ўғли Ким Чен Уни бевосита давлат раҳбарига бўйсунадиган ва махфий полиция ҳамда ташқи разведка хизмати вазибаларини бажарадиган давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлигига тайинлади.

● Кеча Бағдоднинг шиитлар яшайдиган қисмида жойлашган бозорда террорчилик ҳаракати амалга оширилганлиги туфайли камида 69 киши ҳаётдан кўз юмди, юздан ортиқ киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Чехиянинг шимолий-шарқидида кучли тошқинлар рўй бериши муносабати билан дастлабки қурбонлар пайдо бўлди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун молиявий институтларнинг ислондан ўтказилиши тўғрисидаги масала БМТда ихтилофларни юзага келтирганлигини таъкидлади.

● Венесуэла ҳукумати ўз элчисини қайтадан АҚШга жўнатишини билдирди.

### ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбарларимиз хабарларидан.


✓ **БУГУН** Бектемир туманидаги 291-мактаб қошидаги «Кўшча» ёзи болалар оромгоҳида «Камолот» ЕИХ туман бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида уюштирилган тадбир «Биз — гивандликка қаршимиз» деб номланди.

✓ **ЎТГАН** кунини Халқро ҳамкорлик марказида Япониянинг «Жайка» агентлиги ҳамкорлигида «Ҳамширалик таълимини тақомиллаштириш» лойиҳаси доирасида семинар уюштирилди.

✓ **СЕРГЕЛИ** туманидаги 21-мусиқа мактабида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўшиқлар кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** қўз касалликларини шифохонасида шифокорлар иштирокида ўтказилган тадбирда қандли диабет хасталигига чалинган беморларнинг кўзи хиралашини олдини олиш мақсадида махсус контакт линзалар тайёрланаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

## ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!



ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК РАМЗИ  
**2200**  
2009  
ТОШКЕНТ

## ИСТИҚЛОЛНИНГ БОШ МАЙДОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кушлар ризқ-рўз мўл-кўл бўлган юртлардагина кўпаяди. Муस्ताқиллик йилларида бизда галла етиштириш олти-етти баробар кўпайгани шарофати билан юртимизда тустовуқ урчиғандан-урчиди. 2004 йили ҳукумат унинг овига ҳам руҳсат берди.

Ўзбекистонимиз — азалдан турфа кушлар макони сифатида ҳам машҳур. Шаҳарларда бўлсин, қишлоқ-овулларда бўлсин, ҳар биримиз ҳар тонг кушлар сайроғи билан уйғонамиз.

Кушларни Ватанимизга алоқаси жиҳатидан, шартли равишда, бир неча гуруҳга бўлиш мумкин.

Бир тоифаси — ўзимизнинг туғди-битди кушлар. Яъни улар шу юртда муқим яшайди.

Иккинчи хили ёздагина бизда яшайди. Шу ерда ин кўяди, кўпаяди — бола очади. Лекин қишимизга чидай олмаганидан болаларини «етақлаб», жануб тарафларга учиб кетади. Баҳорда яна ўз инига қайтади. Шунинг учун бу кушларнинг Ватани — шу ер, деб ҳисоблаш керак. Қалдирғоч, лайлак шундай кушлар тоифасига киради.

Учинчи тури бизга қишлаш учунгина келади. Масалан, қарға — асли шимол юртларнинг қуши. Ўша салқин мамлакатларда ин қуради, кўпаяди — бола очади. Яна қиш келиши билан «кўчини кўтариб», биз томонга қараб қанот қоқади. Кейинги пайтларда айрим тоғли, салқин ҳудудларимизда оз сонли қарғалар қишлаб ҳам қўлапти.

Тўртинчи тури бизда ёзламайди ҳам, қишламайди ҳам. Ёзни биздан кўра салқинроқ мамлакатларда, қишни биздагина нисбатан иссиқроқ юртларда ўтказишади. Фақат баҳорда — шимолга, кузда — жанубга қараб унаётганда осмонимиздан ўтади. Одам сийрак, сув ичиб, озикланиб олиши учун имкони бор ерларгагина бирров қўниши мумкин. Турна шундай кушлар тоифасига киради.

Гапни кушларга бурганимизнинг сабаби бор. Майдонга Эзгулик аркаси орқали кирилади. Арка устига тўрт лайлак, уч турнанинг тасвирий тимсоли ишланган. Лекин нозиклиги бир фарқи бор. Лайлаклар, чиндан, арка устига қўниб, бир оёқда турибди. Турналар эса... тепада чаплар уриб учаяпти.

Бу бежиз эмас. Эслаб ўтилганидек, лайлак — ёзда бизда яшайди. Уларнинг сони тобора кўпайиб борапти. Наманганнинг Мингбулоқ туманида, Тошкент вилоятидан чиқиб, Сирдарёдан ўтган ерда, Янгийул туманининг Саид Ота қишлоғида йўл бўйи симёғочларда лайлаклар шашқатор бўлиб ин қўйган.

Халқимизда турналарнинг юртимиздан учиб ўтиши билан боғлиқ бир талай аңызана бор. Турналарнинг учиб ўтганини кўриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бироқ бир нарса ҳақиқат — турналар ҳам тинч юрт устидангина учиб ўтади.

Лайлакни элимиз азиздан фаршталани куш янглиг улуғлаб келган. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Охунгузар маҳалласининг XVIII асрда бунёд этилган масжиди миносасига лайлак ин қургани учун одамлар кейинчалик бу масжидни «Лайлакқўнди масжиди» деб атаб келган. Чунки лайлак бахт, тинчлик, хотиржамлик рамзи ҳисобланган. Ёки Бухоро вилоятининг Вобект туманидаги Бобошех қишлоғидаги тепалик ёнидаги қадим гужум дарахтига лайлак ин солгани учун бу тепалик Лайлактепа деб юритилаётган бўлиб кетган. Юртимизда лайлак билан боғлиқ бундай жой номлари жуда кўп.

Мухтарам Президентимиз Муस्ताқиллик майдо-нида олиб борилаётган эзгу ишларни кузатиш учун келганларида бир гапни айтган эди: «Лайлак қачон бир оёқда туради? Қачонки, хотиржам бўлса». Ростдан ҳам, лайлакларнинг хотиржамлиги бу ерда бир тимсол — бу юрт хотиржамлигини англатади.

Европанинг кўплаб шаҳарларидаги майдонлар гўж-гўж кабутарларнинг маконига айланган. Улар одамлардан ҳурқимайди, оёқлар остида ўралашиб юраверади...

Муस्ताқиллик майдонига кабутарлар кўна бошлади. Улар орасида хонақилари ҳам, ёввойилари ҳам бор. Болақайлар кетидан қувлаб юради, кабутарлар учмайди — зипир-зипир юриб, қочади.

Майдонга кўнаётган кабутарлар сони кун сайин кўпайиб борапти. Агар биз уларга дон сепишни

йўлга қўйсақ, кўрасиз, бу ердан асло аримайдиган бўлиб қолади.

Кабутар — беозор қуш.

Кабутар — тинчлик рамзи.

Бу кушлар бош майдонимизни бекорга макон тутмаган.

Одамнинг қувонса ҳам, бошига кун тушса ҳам, биринчи бўлиб тилга оладиган сўзи — она!

Алишер Навоий Шайх Исмоил Даббос ҳақида бир ажиб хикоят келтиради. У ҳажга отланган эди. Шерозда Шайх Мўминга дуч келади. Унга ниятини айтади. Шайх Мўмин ундан онаси бор-йўқлигини сўрайди. «Бор», — дейди у. Шунда кутилмаган тарзда уни ҳаждек муқаддас зиёратдан қайтарди: «Орқага қайтиб, онанг мулозаматига бор. Мен эллик ҳаж қилибмен — бош яланг, оёқ яланг ва зоду (ёлғиз) ҳамроҳсиз. Борчасини сенга бердим. Сен онанг кўнгли шодлигини манга бер!»

Ватан-ку — ўзи барчамизга бамисли она. Қайси Ватанда, қайси она қўридан дунёга келтиришни Яратган ҳеч кимдан сўраб ўтирмайди. Биз Ватанга ҳам «она» сўзини қўшамиз — она Ватан деймиш.

Бозалигимизда:

**Менинг икки онам бор,**

**Иккиси ҳам меҳрибон,**

**Бири менга сўт берган,**

**Бири эса ширин нон.**

**Бири — туққан онамдир,**

**Иккинчиси — хур Ватан,**

**Иккисига баробар**

**Курбон бўлсин жону тан,**

— деган шеърни кўп ёд айтар эдик. Ростдан ҳам, икки онамиз мавжуд: бири бизни туққан зот бўлса, иккинчиси — Ватан.

Муस्ताқиллик майдонида икки она бор. Бири — 1999 йили бунёд этилган Хотира хиёбонидаги Мотамсаро она ҳайкали. У маънос, гамгусор. Чунки унинг ўғиллари Ватанни ҳимоя қилиш йўлида — Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Иккинчиси — хушбахт, кўлида гўдагини эркалаётган, унга бор меҳрини тўкиб қоқиб турган она. Бу Бахтиёр она сиймоси!

Она — Ватан, бола — халқ рамзи. Халқ шу муस्ताқил, тинч, осойишта, гуллаб-яшнаётган Ватан бағрида унинг-ўсяпти...

Муस्ताқиллик ва Эзгулик монументи...

Исми жисмига мос ёдгорлик.

Баланд постамент устида Ер шари. Унинг ўрта-роқ қисмида Ўзбекистон ҳудуди бўртиб чиққан ҳолда акс эттирилган. Бу мамлакатимизнинг истиқлолга эришиб, дунё микросида ўз ўрни ва маъна-сига эга бўлганини тасдиқлаб турибди. Дунёга биз, бизга дунё боғланди.

Пастдаги она ва бола шодонлиги эса кишига шу истиқлолнинг ширин ҳосиласи янглиг хуш кайфият бағишлайди.

Яқин ўтмишда бу ер тап-тақир майдон эди, бугун боғ бўлди. Ҳарбий парад ва намойишларга мўлжалланган бетон кенгликлар ўрнида ям-яшил чаман барпо этилди.

Шу кўламда майсазорлар узра экилган магдолия бор чиройини кўз-кўз қилиб, гуллади.

Номидан ҳам билиниб турибдики, магдолия — бизнинг юртда ўсадиган туғди-битди дарахт эмас. Узоқ мамлакатлардан олиб келинган. Ниҳоятда мафтункор гуллайди. Тошкентнинг Амир Темур майдонида — «Ўзбекистон» меҳмонхонаси қаршида ҳам бор. Ҳар йили баҳорда унинг ёнидан ҳайдовчилар уловини бир секинлатиб, суқ билан қараб-қараб ўтади.

Майдоннинг, хусусан, Олий Мажлис Сенати атрофидаги майсазорлари узра дунёнинг беш қитъасидаги турли мамлакатлардан келтирилган гуллар, буталар, дарахтлар экилган.

Бу билан нима дейилмоқчи?

Айтилмоқчики, Ўзбекистон Оллоҳ ярлақанган шундай гўзал маконки, унда хоҳлаган минтақадан олиб келинган бир чўп суқсанг ҳам, кўкара-веради...

Шу маънода, аввало, бутун Ўзбекистон, қолаверса, унинг бир парчаси бўлмиш шу мўъжаз

майдон — бир жаннатий макон.

Ўзбекистон бир бутун жисм бўлса, Муस्ताқиллик майдони — унинг юраги!

Эзгулик аркасининг бир катта, шунингдек, бир хилдаги ўн тўрт кичик дарвозаси бор.

Санъат асари қандай гоё, қайси маъно-мазмун билан яратилмасин, томошабинда яна кўплаб фикр-туйғулар уйғотаверади. Арка остида туриб, ҳар ким ҳаёл суришга, нималардир ҳақида ўзича мушоҳада юритишга, ўз тасаввуроти ҳаёлотли маҳсулидан баҳра топишга ҳақли.

Қизиқ, Эзгулик аркасига, хусусан, ёнидаги ўн уч қаватли маъмурий бино юқори поғоналаридан туриб қараган кишига у худди Ўзбекистоннинг белидан белбоғ янглиг кесиб ўтган узун йўлни эслатади. Кейин ҳаёлда: «Бу Буюк Ипак йўли рамзи-ку!» — деган фикр кечади. Тўғри қизиқ эмас, ёйсимон шаклда экани ҳам шунга асос бергандек бўлади.

Ўртадаги катта дарвозанинг чапида ҳам, ўнгида ҳам баб-баробар — еттидан бир хил узунликдаги дарвоза мавжуд. Ўзбекистонимиз таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, ўн икки вилоят ва Тошкент шаҳри, жами ўн тўрт маъмурий-худудий бирлик борлигини инобатга олсангиз, бу шунга мос тушгандек бўлаверади.

Ҳаёл ришталарининг охири йўқ, дейишади.

Дарвоза деган тушунча бирдан Жиззах ва Самарқанд шаҳарлари ўртасидаги икки тоғ яқинлашган ердан ўтган машҳур Темур дарвозасини кўз ўнгингизга келтиради. Ие, дейсиз шунда, Темур дарвозасининг чапида ҳам етти маъмурий-худудий бўлинма (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари), ўнгида ҳам етти маъмурий-худудий бўлинма (Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри) бор-ку.

Рамз рамзга улашиб кетаверар экан...

Соф худуди маъносидан олиб қараганда ҳам, Ўзбекистон дунёдаги катта мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизнинг ер майдони — 447 минг 700 квадрат километр. Бу жиҳатдан у Испанияга яқин туради, Буюк Британиядан қарийб икки, Италиядан бир ярим баробар катта.

Муस्ताқиллик майдони эса — бир неча гектар, холос. Аммо ана шу майдон — бир мўъжаз Ватан. Чунки у мамлакатнинг бош майдони ҳисобланади.

Йигирма етти миллион киши тақдири — бево-сита ҳам, билвосита ҳам шу майдон билан вобаста. Сабаби муस्ताқиллик бугун ҳар биримизнинг тақдиримизни эзгулик сари бўриб юборгани — айни ҳақиқат.

Гапнинг тўғриси айтган — яқши. Дастлаб Муस्ताқиллик майдони зиёрати турли ташкилот ва муассасаларнинг ички режаси асосида, яъни муайян маънода уюштирилган ҳолда амалга оширила бошлаган эди. Бу ҳозир ҳам қисман давом этапти. Шундай бўлиши керак.

Бироқ...

Ҳар кун кузатамиз, юртнинг ёшу қариси бу муқаддас майдон зиёратига оқиб келяпти. Улар орасида пойтахт аҳли ҳам, мамлакатимизнинг турли минтақа ва худудлари, шаҳару қишлоғу овуллари вакиллари ҳам, ён қўшни давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар узоқ-узоқ юртлардан келган сайёҳлар ҳам... бор.

Расмий никоҳдан ўтган келин-куёвлару таълим муассасалари битирувчиларини ҳам кўп кўра-миз. Пойтахтдаги малака ошириш тизимида қайта тайёргарлик курсларини тугатаётганлар ҳам гура-гура келиб, бу маконни зиёрат қилишяпти.

Хуллас, бу майдонга халқ ички туйғуси, юртга меҳри жўшиб, ўз инон-ихтиёри билан оқиб келиб турибди.

Шу тариқа майдондаги маънолар, уларда яширин нозик фалсафа фуқаролар онгию қалбига, ҳатто, хорижий сайёҳлар таваққурига ҳам сингиб бораётди.

Шундай юртни, унинг гўзалдан-гўзал пойтахтини севмай бўладими?!

Султонмурод ОЛИМ

## Бандлик

### ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

**Кунни кеча Учтепа тумани бандликка кўмаклашувчи марказ ташаббуси билан ушбу туман ҳокимлиги ҳамда туман прокуратураси ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари» ярмаркаси ўтказилди.**

Мақсуд тадбирда тумандаги 14 та корхона ва ташкилотлар ўзларининг 693 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар.

Ярмаркада иш билан банд бўлмаган аҳоли билан биргаликда тумандаги битта олий ўқув юрти ҳамда 6 та касб-ҳунар коллежларининг битирувчи ёшлари ҳам иштирок этишди.

— Ушбу ярмаркамиз аввалгиларидан фарқли ўлароқ, алоҳида ихтисослаштирилган бўлиб, унда меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларимиздан ташқари битирувчиларимизни ҳам ихтисосликлари бўйича етарлича иш билан таъминлашни кўзда тутганмиз, — дейди Учтепа туман Бандликка кўмаклашувчи марказ директори Тозагул Ақромова.

Ҳақиқатан ҳам ярмаркада тавсия этилган иш ўринлари аҳолининг эҳтиёж ва манфаатларини ўзида мужассам қилган десак муболаға бўлмайди. Айниқса, хотин-қизларни иш билан янада тўлароқ таъминлаш мақсадида туман корхоналарида ташкил қилинган ишлар уларнинг қобилиятларини яна бир бор синовдан ўтказса ажаб эмас. Яъни касаначиликка ихтисослашган кичик корхоналар, турли энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи бир қатор кўшма корхоналар, жумладан, «Чевар», «TURON-TEX», «Bay Paz-TEX» кабиларнинг бўш иш ўринлари ярмарка иштирокчиларига манзур бўлди. Булардан ташқари ҳар бир ташкилот ва муассаса ўзига муносиб ишчиларни танлаб, шу ернинг ўзида икки томонлама шартномаларни имзолади.

— Бугун коллежимизнинг «Автомобиль во-сита» тарихига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўлими битирувчиларининг 24 нафаридан 6 та ўқувчи корхоналарда ишлаш учун шартномаларни имзолашди. Қолган битирувчиларимиз олий ўқув юртларига кириб ўқиш хоҳишини билдиришган, — дейди Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежи директори Дилфуза Назарова. — Мана шундай бўш иш ўринлари ярмаркасида кўплаб ишга жойлашолмай юрган ёшлар иш ўринларига эга бўлишади. Бу албатта қувонарли ҳол.

Баҳодир ХОЛМАТОВ

## Иқтисодиёт

### АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ ОШМОҚДА

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири солиқ сиёсатининг тўғри ташкил этилганлигидир.**

Солиқ юкини босқичма-босқич қамайтириш орқали барча ҳўжалик юритувчи субъектлар, яъни солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантиришга эришилмоқда. Айниқса кичик корхона ва микрофирмалар учун ишлаб чиқилган ягона солиқ тўлови тизими эса ўз навбатида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантирмоқда.

Булардан ташқари солиқ ҳисоботларини тайёрлашда ва топширишда ахборот технологияларининг ўрни ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирда солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини ўз хоҳишига кўра телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этишга ҳақли. Электрон ҳужжат айланиши Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» Қонуни билан тартибга солинади.

Электрон тизим орқали ҳисобот топширишнинг мавжудлиги, солиқ юкининг пастлиги ҳисобот топширувчиларнинг вақтини тежайди ва ўз фаолиятдан манфаатдорлигини оширади. Бу имкониятлардан тўла фойдаланиш солиқ ҳисоботларининг ўз вақтида топширилишини таъминлайди.

Улуғбек ШОДИЕВ



ДУШАНБА, 29

«Ўзбекистон»

06.55 Кўрсатувлар дастури. 06.55 «Ассалом, Ўзбекистон!» 07.00 «Илмий» 07.05 «Ихор» 07.10 ТелеТеатр: «Фотима ва Зукра» 07.50 «Олтин мерос» 08.00 «Талиқнома» 08.40 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция» 09.20-10.20 «Мазнавият» дастури: «Болалар сайраси» 10.20 «Болалар дунёси» 10.40 «Дангаса» М/ф. 10.50 ТВ - анонс. 10.55 «Сизнинг адвокатингиз» 11.00 «Ахборот» 11.10 ТВ - анонс. 11.15 «Кирол Секонг» Т/с. 11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Фасли ёл» 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 12.50 «Илмий кино» 12.55 Миллий кино: «Қор қўйида дола» 14.00 «Ахборот» 14.15 ТВ - анонс. 14.20 «Ватанпарвар» 15.00 «Дунё манзаралари» 15.25 ТВ - анонс. 15.30 «Очун» 15.40 «Заковат» 16.40 «Ики дарё оралигида» 17.00 «Ахборот» 17.10 ТВ - анонс. 17.15 Тошкент 2200. «Бойи Тошкент» «Болалар сайраси» 17.35 «Эрталаб - яхшиликка етаклар» 17.55 «Сизнинг адвокатингиз» 18.00 «Олтин мерос» 18.05 Миллий сериал: «Мехробдан чаён» 18.50 ТВ - анонс. 18.55 «Бир кун» 19.20 ТВ - шифокор» 19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» /рус/. 20.00 ТВ - анонс. 20.05 «Кирол Секонг» Т/с. 20.45 «Ватанимни куйлайман» 20.50 ТВ - анонс. 21.00 «Ахборот» 21.30 «Парламант вақти» 21.50 «Малжанин кундалиги» Б/ф. 1-киём. 22.45 «Илмий» 22.50 ТВ - анонс. 22.55 «Шахзода фаршита» Т/с. 23.45 - 23.55 Тунги навалар. «Uzbekistan» 23.55 Кўрсатувлар дастури. 24.00 «Ватанпарвар» 00.40 Тошкент 2200. «Бойи Тошкент» 01.00 «Ахборот» /рус/. 01.30 «Бир кун» 01.55 «Олтин мерос» 02.00 «10.00-Мазнавият» дастури: «Ахборот» 04.30 ТВ - анонс. 04.35 ТелеТеатр: «Фотима ва Зукра» 05.15 «Ики дарё оралигида» 05.35 «Очун» 05.45 - 05.55 Тунги навалар.

«Спорт»

7.00 «Бодро утрон» 8.00 «Талқин» Информационно-таҳлилий кўрсатув. 8.35 «Малахов +» 9.30 «Версия» Информационно-аналитическая программа. 10.05 «Фазовий футбол» Мультсериал. 10.30 Теннис. Уимблдон турнири. 12.05 «Вилот спорт» 13.10-14.00 «Проффинг» 18.00 «Тет-а-тет» 18.10 «Баркамол авлод» 18.30 «Хабарлар» (рус тили) 18.55 «Футбол мушкетери» 19.10 «АЗИЯ ЛОТО» 19.15 «Футбол шаро» 19.25 «ФУТБОЛ. УЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ» 19.30 «Бунёдкор» «СУФДИЕНА» Танашфулда «Хабарлар» (узб. тили) 22.50 Теннис. Уимблдон турнири. 00.00 «Тунгиз осида бўлсин!» 4.00, 8.05 «Добро утро» 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.35, 2.00 Новости. 8.30 Малахов + 8.30 Модный приговор. 10.25 Контрольная закупка. 11.20 «Агент национальной безопасности» Сериал. 12.00 «Детективы» 13.25 Понять. Простить. 14.50 «Хочу знать» 14.50 «Давай поженимся!» 15.55 «Федеральный судья» 17.20 Т/с «След» 18.05 «Жди меня» 18.55 «Обручальное кольцо» Сериал. 20.00 «Время» 20.30 «Морской патруль» Сериал. 21.35 «Познер» 21.00 «Ахборот» 21.30 «Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги олдидан» «Бунёдкорлик» 22.00 «Малжанин кундалиги» Б/ф. 2-киём. 22.55 «Илмий» 23.00 ТВ - анонс. 23.05 «Шахзода фаршита» Т/с. 23.55 - 24.00 Тунги навалар. «Uzbekistan» 4.00 Добро утро, Россия! 7.55, 10.45, 13.40 Х/ф «Профессия - следователь» 9.50, 16.50, 3.45 Вести. Дежурная часть. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести. 10.25, 13.20, 16.25, 19.30 Вести-Москва. 17.00 «Однажды будет любовь» Сериал. 18.00 «Кармелита. Цыганская страсть» Сериал. 19.50 Спокойной ночи, малыши! 20.00 Сериал «Тайная стража. Смертельные игры» 21.50 «Мой серебряный шар. Анастасия Вертинская» 22.50 Вести + 23.10 Х/ф «Игра в домино» 00.45 Х/ф «Королевы» 2.50 Комната страха. 5.00 «Сегодня утром» 8.00 Квартирный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 10.00 Следствие велит... 11.00 Суд присяжных. 12.35 Сериал «Возращение Мухоморова» 13.30, 17.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 15.30 Сериал «Улицы разбитых фонарей» 16.30 Сериал «Горда соблазнов» 20.15 Сериал «Секретный агент» 21.10 Честный понедельник. 21.30 Сериал «Хорошие парни» 22.20 «Школа зловещих» 00.45 Х/ф «Жизнь Дэвида Гейла» 3.20 Сериал «Холм одного дерева» 4.10 Сериал «Аэропорт» «СТС» 7.00 «Эрика» Сериал. 7.55 «Смешарики» М/с. 8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал «Палачи» 9.00, 21.00 «Кремлевские курсанты» Сериал. 10.00, 1.00 История в деталях. 11.00, 13.00, 18.30 «Галилео» 12.00 Сериал «Моя прекрасная няня» 13.30 «Не может быть!» 14.30 «Инь, Янь, Йо!» М/с. 15.30 «Двой варвар» М/с. 16.30 «Чародейки» М/с. 16.00 «101 далматинец» М/с. 16.30 Сериал «Все тип-топ, или жизнь Зака и Киди» 17.00 «Кадетство» Сериал. 19.30 «Двадцать лет и три года» 22.00 «Саломат булинг» /рус/. 7.00 «Выжить вопреки» Т/с. 8.00 М/ф «Секретные материалы: спецоперация» «Приключенный мультфильм» «Озорные анимашки» «Куряк - трусливый пес» 11.00 «Улч» 11.25, 4.50 Д/ф «Разрушители мифов» 12.15 Х/ф «Дни разрушения» 14.15 «Сигнал бедствия» 14.15 «ВДХХ. Место исполнения желаний» 15.15 Х/ф «Перекресток миров» 18.15, 3.00 «Вавилон-5» Т/с. 19.05, 2.00 «Псай-фактор» Т/с. 21.00 Д/ф «Тайные знаки Дьявольские игры Ивана Грозного» 22.00 Д/ф «Затерянные миры» «Титаник» 23.00 Х/ф «Гарли» 1.00, 3.50 «Звездные врата» Т/с. 5.40 Комната страха. 6.00 Relax.

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Добро утро» 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.35, 2.00 Новости. 8.30 Модный приговор. 10.25 Контрольная закупка. 11.20 «Агент национальной безопасности» Сериал. 12.00 «Детективы» 13.25 Понять. Простить. 14.50 «Хочу знать» 14.50 «Давай поженимся!» 15.55 «Федеральный судья» 17.20 Т/с «След» 18.05 «Жди меня» 18.55 «Обручальное кольцо» Сериал. 20.00 «Время» 20.30 «Морской патруль» Сериал. 21.35 «Познер» 21.00 «Ахборот» 21.30 «Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги олдидан» «Бунёдкорлик» 22.00 «Малжанин кундалиги» Б/ф. 2-киём. 22.55 «Илмий» 23.00 ТВ - анонс. 23.05 «Шахзода фаршита» Т/с. 23.55 - 24.00 Тунги навалар. «Uzbekistan» 4.00 Добро утро, Россия! 7.55 «Мой серебряный шар. Инна Ульянова» 9.50, 16.50, 3.45 Вести. Дежурная часть. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести. 10.25, 13.20, 16.25, 19.30 Вести-Москва. 17.00 «Однажды будет любовь» Сериал. 18.00 «Кармелита. Цыганская страсть» Сериал. 19.50 Спокойной ночи, малыши! 20.00 Сериал «Тайная стража. Смертельные игры» 21.50 «Мой серебряный шар. Анастасия Вертинская» 22.50 Вести + 23.10 Х/ф «Игра в домино» 00.45 Х/ф «Королевы» 2.50 Комната страха. 5.00 «Сегодня утром» 8.00 Квартирный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 10.00 Следствие велит... 11.00 Суд присяжных. 12.35 Сериал «Возращение Мухоморова» 13.30, 17.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 15.30 Сериал «Улицы разбитых фонарей» 16.30 Сериал «Горда соблазнов» 20.15 Сериал «Секретный агент» 21.10 Честный понедельник. 21.30 Сериал «Хорошие парни» 22.20 «Школа зловещих» 00.45 Х/ф «Жизнь Дэвида Гейла» 3.20 Сериал «Холм одного дерева» 4.10 Сериал «Аэропорт» «СТС» 7.00 «Эрика» Сериал. 7.55 «Смешарики» М/с. 8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал «Палачи» 9.00, 21.00 «Кремлевские курсанты» Сериал. 10.00, 1.00 История в деталях. 11.00, 13.00, 18.30 «Галилео» 12.00 Сериал «Моя прекрасная няня» 13.30 «Не может быть!» 14.30 «Инь, Янь, Йо!» М/с. 15.30 «Двой варвар» М/с. 16.30 «Чародейки» М/с. 16.00 «101 далматинец» М/с. 16.30 Сериал «Все тип-топ, или жизнь Зака и Киди» 17.00 «Кадетство» Сериал. 19.30 «Двадцать лет и три года» 22.00 «Саломат булинг» /рус/. 7.00 «Выжить вопреки» Т/с. 8.00 М/ф «Секретные материалы: спецоперация» «Приключенный мультфильм» «Озорные анимашки» «Куряк - трусливый пес» 11.00 «Улч» 11.25, 4.50 Д/ф «Разрушители мифов» 12.15 Х/ф «Дни разрушения» 14.15 «Сигнал бедствия» 14.15 «ВДХХ. Место исполнения желаний» 15.15 Х/ф «Перекресток миров» 18.15, 3.00 «Вавилон-5» Т/с. 19.05, 2.00 «Псай-фактор» Т/с. 21.00 Д/ф «Тайные знаки Дьявольские игры Ивана Грозного» 22.00 Д/ф «Затерянные миры» «Титаник» 23.00 Х/ф «Гарли» 1.00, 3.50 «Звездные врата» Т/с. 5.40 Комната страха. 6.00 Relax.

«Россия»

4.00 Добро утро, Россия! 7.55 «Мой серебряный шар. Инна Ульянова» 9.50, 16.50, 3.45 Вести. Дежурная часть. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести. 10.25, 13.20, 16.25, 19.30 Вести-Москва. 17.00 «Однажды будет любовь» Сериал. 18.00 «Кармелита. Цыганская страсть» Сериал. 19.50 Спокойной ночи, малыши! 20.00 Сериал «Тайная стража. Смертельные игры» 21.50 «Мой серебряный шар. Анастасия Вертинская» 22.50 Вести + 23.10 Х/ф «Игра в домино» 00.45 Х/ф «Королевы» 2.50 Комната страха. 5.00 «Сегодня утром» 8.00 Квартирный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 10.00 Следствие велит... 11.00 Суд присяжных. 12.35 Сериал «Возращение Мухоморова» 13.30, 17.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 15.30 Сериал «Улицы разбитых фонарей» 16.30 Сериал «Горда соблазнов» 20.15 Сериал «Секретный агент» 21.10 Честный понедельник. 21.30 Сериал «Хорошие парни» 22.20 «Школа зловещих» 00.45 Х/ф «Жизнь Дэвида Гейла» 3.20 Сериал «Холм одного дерева» 4.10 Сериал «Аэропорт» «СТС» 7.00 «Эрика» Сериал. 7.55 «Смешарики» М/с. 8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал «Палачи» 9.00, 21.00 «Кремлевские курсанты» Сериал. 10.00, 1.00 История в деталях. 11.00, 13.00, 18.30 «Галилео» 12.00 Сериал «Моя прекрасная няня» 13.30 «Не может быть!» 14.30 «Инь, Янь, Йо!» М/с. 15.30 «Двой варвар» М/с. 16.30 «Чародейки» М/с. 16.00 «101 далматинец» М/с. 16.30 Сериал «Все тип-топ, или жизнь Зака и Киди» 17.00 «Кадетство» Сериал. 19.30 «Двадцать лет и три года» 22.00 «Саломат булинг» /рус/. 7.00 «Выжить вопреки» Т/с. 8.00 М/ф «Секретные материалы: спецоперация» «Приключенный мультфильм» «Озорные анимашки» «Куряк - трусливый пес» 11.00 «Улч» 11.25, 4.50 Д/ф «Разрушители мифов» 12.15 Х/ф «Дни разрушения» 14.15 «Сигнал бедствия» 14.15 «ВДХХ. Место исполнения желаний» 15.15 Х/ф «Перекресток миров» 18.15, 3.00 «Вавилон-5» Т/с. 19.05, 2.00 «Псай-фактор» Т/с. 21.00 Д/ф «Тайные знаки Дьявольские игры Ивана Грозного» 22.00 Д/ф «Затерянные миры» «Титаник» 23.00 Х/ф «Гарли» 1.00, 3.50 «Звездные врата» Т/с. 5.40 Комната страха. 6.00 Relax.

«ТВ»

4.00 «Добро утро» 8.20 «Малахов +» 9.05 «Фазовий футбол» Мультсериал. 9.30 «Хабарлар» (узб тили) 9.55 «Футбол шаро» 10.25 «ФУТБОЛ. КОНФЕДЕРАЦИОНАЛ КУБОГИ. ФИНАЛ» 12.05 Теннис. Уимблдон турнири. 13.35 - 14.25 ФУТБОЛ. УЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ-НЕФТИЧИ-ДИНАМО» 15.10 «Хабарлар» (рус тили) 18.55 Теннис. Уимблдон турнири. 19.45 Спортивное кино: «Девочка из Шаолиня» Художественный фильм. 21.30 «Хабарлар» (узб. тили) 21.55 ФУТБОЛ. МАВСУМИНИНГ ЭНГ ЯШИ УЧАШУВЛАРИ. «ЛИВЕРПУЛЬ» «ЧЕЛСИ» 23.30 Биринчи Осиё ёшлар ўйнари кундалиги. 00.00 «Тунгиз осида бўлсин!» 4.00, 8.05 «Добро утро» 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.35, 2.00 Новости. 8.30 Модный приговор. 10.25 Контрольная закупка. 11.20 «Агент национальной безопасности» Сериал. 12.00 «Детективы» 13.25 Понять. Простить. 14.50 «Хочу знать» 14.50 «Давай поженимся!» 15.55 «Федеральный судья» 17.20 Т/с «След» 18.05 «Жди меня» 18.55 «Обручальное кольцо» Сериал. 20.00 «Время» 20.30 «Морской патруль» Сериал. 21.35 «Познер» 21.00 «Ахборот» 21.30 «Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги олдидан» «Бунёдкорлик» 22.00 «Малжанин кундалиги» Б/ф. 2-киём. 22.55 «Илмий» 23.00 ТВ - анонс. 23.05 «Шахзода фаршита» Т/с. 23.55 - 24.00 Тунги навалар. «Uzbekistan» 4.00 Добро утро, Россия! 7.55 «Мой серебряный шар. Инна Ульянова» 9.50, 16.50, 3.45 Вести. Дежурная часть. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести. 10.25, 13.20, 16.25, 19.30 Вести-Москва. 17.00 «Однажды будет любовь» Сериал. 18.00 «Кармелита. Цыганская страсть» Сериал. 19.50 Спокойной ночи, малыши! 20.00 Сериал «Тайная стража. Смертельные игры» 21.50 «Мой серебряный шар. Анастасия Вертинская» 22.50 Вести + 23.10 Х/ф «Игра в домино» 00.45 Х/ф «Королевы» 2.50 Комната страха. 5.00 «Сегодня утром» 8.00 Квартирный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 10.00 Следствие велит... 11.00 Суд присяжных. 12.35 Сериал «Возращение Мухоморова» 13.30, 17.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 15.30 Сериал «Улицы разбитых фонарей» 16.30 Сериал «Горда соблазнов» 20.15 Сериал «Секретный агент» 21.10 Честный понедельник. 21.30 Сериал «Хорошие парни» 22.20 «Школа зловещих» 00.45 Х/ф «Жизнь Дэвида Гейла» 3.20 Сериал «Холм одного дерева» 4.10 Сериал «Аэропорт» «СТС» 7.00 «Эрика» Сериал. 7.55 «Смешарики» М/с. 8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал «Палачи» 9.00, 21.00 «Кремлевские курсанты» Сериал. 10.00, 1.00 История в деталях. 11.00, 13.00, 18.30 «Галилео» 12.00 Сериал «Моя прекрасная няня» 13.30 «Не может быть!» 14.30 «Инь, Янь, Йо!» М/с. 15.30 «Двой варвар» М/с. 16.30 «Чародейки» М/с. 16.00 «101 далматинец» М/с. 16.30 Сериал «Все тип-топ, или жизнь Зака и Киди» 17.00 «Кадетство» Сериал. 19.30 «Двадцать лет и три года» 22.00 «Саломат булинг» /рус/. 7.00 «Выжить вопреки» Т/с. 8.00 М/ф «Секретные материалы: спецоперация» «Приключенный мультфильм» «Озорные анимашки» «Куряк - трусливый пес» 11.00 «Улч» 11.25, 4.50 Д/ф «Разрушители мифов» 12.15 Х/ф «Дни разрушения» 14.15 «Сигнал бедствия» 14.15 «ВДХХ. Место исполнения желаний» 15.15 Х/ф «Перекресток миров» 18.15, 3.00 «Вавилон-5» Т/с. 19.05, 2.00 «Псай-фактор» Т/с. 21.00 Д/ф «Тайные знаки Дьявольские игры Ивана Грозного» 22.00 Д/ф «Затерянные миры» «Титаник» 23.00 Х/ф «Гарли» 1.00, 3.50 «Звездные врата» Т/с. 5.40 Комната страха. 6.00 Relax.

«ТВ»

4.00 «Добро утро, Россия!» 7.55 «Место встречи» Иван Борнштейн. 8.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести. Дежурная часть. 9.50, 16.50, 3.45 Вести. Дежурная часть. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести. Дежурная часть. 10.25, 13.20, 16.25, 19.30 Вести-Москва. 17.00 «Однажды будет любовь» Сериал. 18.00 «Кармелита. Цыганская страсть» Сериал. 19.50 Спокойной ночи, малыши! 20.00 Сериал «Тайная стража. Смертельные игры» 21.50 «Мой серебряный шар. Анастасия Вертинская» 22.50 Вести + 23.10 Х/ф «Игра в домино» 00.45 Х/ф «Королевы» 2.50 Комната страха. 5.00 «Сегодня утром» 8.00 Квартирный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 10.00 Следствие велит... 11.00 Суд присяжных. 12.35 Сериал «Возращение Мухоморова» 13.30, 17.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 15.30 Сериал «Улицы разбитых фонарей» 16.30 Сериал «Горда соблазнов» 20.15 Сериал «Секретный агент» 21.10 Честный понедельник. 21.30 Сериал «Хорошие парни» 22.20 «Школа зловещих» 00.45 Х/ф «Жизнь Дэвида Гейла» 3.20 Сериал «Холм одного дерева» 4.10 Сериал «Аэропорт» «СТС» 7.00 «Эрика» Сериал. 7.55 «Смешарики» М/с. 8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал «Палачи» 9.00, 21.00 «Кремлевские курсанты» Сериал. 10.00, 1.00 История в деталях. 11.00, 13.00, 18.30 «Галилео» 12.00 Сериал «Моя прекрасная няня» 13.30 «Не может быть!» 14.30 «Инь, Янь, Йо!» М/с. 15.30 «Двой варвар» М/с. 16.30 «Чародейки» М/с. 16.00 «101 далматинец» М/с. 16.30 Сериал «Все тип-топ, или жизнь Зака и Киди» 17.00 «Кадетство» Сериал. 19.30 «Двадцать лет и три года» 22.00 «Саломат булинг» /рус/. 7.00 «Выжить вопреки» Т/с. 8.00 М/ф «Секретные материалы: спецоперация» «Приключенный мультфильм» «Озорные анимашки» «Куряк - трусливый пес» 11.00 «Улч» 11.25, 4.50 Д/ф «Разрушители мифов» 12.15 Х/ф «Дни разрушения» 14.15 «Сигнал бедствия» 14.15 «ВДХХ. Место исполнения желаний» 15.15 Х/ф «Перекресток миров» 18.15, 3.00 «Вавилон-5» Т/с. 19.05, 2.00 «Псай-фактор» Т/с. 21.00 Д/ф «Тайные знаки Дьявольские игры Ивана Грозного» 22.00 Д/ф «Затерянные миры» «Титаник» 23.00 Х/ф «Гарли» 1.00, 3.50 «Звездные врата» Т/с. 5.40 Комната страха. 6.00 Relax.

«ТВ»

4.00 «Добро утро, Россия!» 7.55 «Место встречи» Иван Борнштейн. 8.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести. Дежурная часть. 9.50, 16.50, 3.45 Вести. Дежурная часть. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести. Дежурная часть. 10.25, 13.20, 16.25, 19.30 Вести-Москва. 17.00 «Однажды будет любовь» Сериал. 18.00 «Кармелита. Цыганская страсть» Сериал. 19.50 Спокойной ночи, малыши! 20.00 Сериал «Тайная стража. Смертельные игры» 21.50 «Мой серебряный шар. Анастасия Вертинская» 22.50 Вести + 23.10 Х/ф «Игра в домино» 00.45 Х/ф «Королевы» 2.50 Комната страха. 5.00 «Сегодня утром» 8.00 Квартирный вопрос. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня. 9.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 10.00 Следствие велит... 11.00 Суд присяжных. 12.35 Сериал «Возращение Мухоморова» 13.30, 17.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие. 15.30 Сериал «Улицы разбитых фонарей» 16.30 Сериал «Горда соблазнов» 20.15 Сериал «Секретный агент» 21.10 Честный понедельник. 21.30 Сериал «Хорошие парни» 22.20 «Школа зловещих» 00.45 Х/ф «Жизнь Дэвида Гейла» 3.20 Сериал «Холм одного дерева» 4.10 Сериал «Аэропорт» «СТС» 7.00 «Эрика» Сериал. 7.55 «Смешарики» М/с. 8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал «Палачи» 9.00, 21.00 «Кремлевские курсанты» Сериал. 10.00, 1.00 История в деталях. 11.00, 13.00, 18.30 «Галилео» 12.00 Сериал «Моя прекрасная няня» 13.30 «Не может быть!» 14.30 «Инь, Янь, Йо!» М/с. 15.30 «Двой варвар» М/с. 16.30 «Чародейки» М/с. 16.00 «101 далматинец» М/с. 16.30 Сериал «Все тип-топ, или жизнь Зака и Киди» 17.00 «Кадетство» Сериал. 19.30 «Двадцать лет и три года» 22.00 «Саломат булинг» /рус/. 7.00 «Выжить вопреки» Т/с. 8.00 М/ф «Секретные материалы: спецоперация» «Приключенный мультфильм» «Озорные анимашки» «Куряк - трусливый пес» 11.00 «Улч» 11.25, 4.50 Д/ф «Разрушители мифов» 12.15 Х/ф «Дни разрушения» 14.15 «Сигнал бедствия» 14.15 «ВДХХ. Место исполнения желаний» 15.15 Х/ф «Перекресток миров» 18.15, 3.00 «Вавилон-5» Т/с. 19.05, 2.00 «Псай-фактор» Т/с. 21.00 Д/ф «Тайные знаки Дьявольские игры Ивана Грозного» 22.00 Д/ф «Затерянные миры» «Титаник» 23.00 Х/ф «Гарли» 1.00, 3.50 «Звездные врата» Т/с. 5.40 Комната страха. 6.00 Relax.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

Бул дунёга келган одам, Хасрат чекиб юрган одам, Даврон отин сурган одам, Ул ҳам мангу қолган эмас.

Йигит бўлсанг арслон каби туғилган, Хар доим сен қилгин хизмат халқ учун.

«Ўзим!» деб ишлаган — ақлига зойил.

Эл оралаб юрган саёғу сойил Юмуш қилмас ҳеч қачон ҳам халқ учун.

Золимлар тингламас мўъминнинг зорин, Улар ўйлар ўз фойдасин, хуморин, Ҳеч вақт ҳам золимлар кўлдаги борин юракдан халқ учун.

Яши одам юрмас фосиқ сўзига.

Яхсининг уйига одам кўп келар, Ёмон одам ич-қўзини еб келар.

Кўр йигитга мадад берса элати, Кун-кундин ортади анинг қуввати. Тилларда қолади йигитлик оти, Халиқ хизмат қилса агар халқ учун.

Қайғуда кўрганда дўстнинг назарин, Кўлдан келса, қургин шодлик бозорин.

Ёмон одам билмас сўзининг фарқини, Ғийбат қилиб юрар дўсту халқини, Чикарсам деб бир ўзининг донгини, Ҳар бир ишда зиён қилар халқ учун.

Яши одам сўз маънисин англайди, Ёмон одам фиску фужур тинглайди.

Душманлик ишидан йўқдир наф, маъно, Аҳил, ҳамдам бўлган баридан аъло.

Хор бўлмас яхсининг сўзини олган.

Яхшидан чиққан сўз йўқолмас зинҳор.

Яхши сўзга қулоқ бергин, Ёмон сўздан қочгин, болам.

Тўйга борсанг, боргин бурун, Душманнингнинг узиб тўрин, Юқоридан олгин ўрин, Ҳеч вақт пастда қолма, болам.

Ёмонларга сўзинг айтма, Келган ерда сўздан қайтма, Дўстингни асло мунгайтма, Душманнингни боғла, болам.

Молим бор деб ошиб-тошма, Ҳеч ким билан сўз талашма, Ўринсиз ерда олишма, Навбат келса сўзла, болам.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛ



ПАЙШАНБА, 2

05.55 Курсувалар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07.00 «Икким».

ЖУМА, 3

05.55 Курсувалар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07.00 «Икким».

ШАБНА, 4

05.55 Курсувалар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07.00 «Икким».

ПАНЖШАБНА, 5

05.55 Курсувалар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07.00 «Икким».

ТОШКЕНТ

7.20 Курсувалар тартиби. 7.25 «Салом, Тошкент!».

ЎЗБЕКИСТОН

05.55 Курсувалар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

РОССИЯ

7.00 «Эврика». 7.55 «Смешарики».

ТОШКЕНТ

7.20 Курсувалар тартиби. 7.25 «Салом, Тошкент!».

ЎЗБЕКИСТОН

05.55 Курсувалар дастури. 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».



Тошкентим-бошкентим баридан пешдир, Бугун ичим тўла шеър-достон шаҳрим, Жонахон Тошкентим, онахон шаҳрим.

Хожа Ахрор, Кафпол-Шоший, Кўхакий, Англсанг, пок руҳлар дилларга эшидр. Сўзлама, дунёнинг гўзал жойларин,

Advertisement for Akmal Akromov, including contact information, address, and a list of services.